

**БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАРДАН (Меҳр Нури) СУҒУРТА ҚИЛИШ
ҚОИДАЛАРИ****1. ҚОИДАЛАР ПРЕДМЕТИ**

1.1. Ушбу Қоидаларнинг 1-илоvasида кўрсатилган Суғурта килдирувчининг (Суғурталанган шахсларнинг) унинг (уларнинг) ҳаёти ва соғлиғига зиён етказилиши билан боғлиқ мулкый манфаатларини куйида кўрсатилган тартибда ва ҳажмда суғурта қилиш ушбу Қоидаларнинг предмети бўлиб ҳисобланади ҳамда ушбу муносабат билан Суғурталовчи ушбу Қоидаларда назарда тутилган ва ушбу Қоидаларнинг ажралмас қисми бўлган бўлимларга, шартларга ва/ёки қўшимча келишилган шартлар, истиснолар ва иловаларга мувофиқ суғурта тўловини/таъминотини амалга ошириш мажбуриятини олади, шу шарт биланки, бунда Суғурта килдирувчи ушбу Қоидаларда кўрсатилган миқдорда ва муддатларда суғурта мукофотини тўлаш мажбуриятини олади, шунингдек Суғурталовчига тақдим этилган Ариза-анкетада ҳаққоний ва ишончли маълумотлар мавжудлигини ҳамда ушбу Қоидаларни тузиш учун асос бўлишини тасдиқлайди.

1.2. Бахтсиз ҳодиса оқибатида Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига зид бўлмаган, Суғурталанган шахснинг ҳаёти ва соғлиғига зиён етказилиши билан боғлиқ бўлган мулкый манфаатлари ушбу Қоидалар бўйича суғурта объектидир.

2. ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН АТАМАЛАР

Ушбу Қоидаларда, агар бошқача қоида алоҳида баён қилинмаган бўлса, куйидаги атамалар қўлланилади:

2.1. **Суғурталанган шахс** – ҳаёти ва соғлиғи билан боғлиқ мулкый манфаатлари суғурта объекти бўлиб ҳисобланадиган ва ушбу Қоидалар унинг фойдасига тузилган жисмоний шахс.

2.2. **Суғурта суммаси** – Суғурта килдирувчи ва Суғурталовчи ўртасида келишилган пул маблағлари суммаси бўлиб, Суғурталовчи унинг доирасида ушбу Қоидалар бўйича суғурта таъминотини тўлаш мажбуриятини олади.

2.3. **Суғурта полиси** – ушбу Қоидалар тузилганлиги фактини тасдиқлайдиган ва Суғурта килдирувчи суғурта мукофотини тўлаганидан кейин унга бериладиган ҳужжат.

2.4. **Суғурта ҳодисаси** – ушбу Қоидаларда назарда тутилган рўй берган ҳодиса бўлиб, у юз бериши билан Суғурталовчининг суғурта таъминотини тўлаш мажбурияти юзага келади.

2.5. **Суғурта даври** – Суғурта полисида кўрсатилган суғурта амал қиладиган вақт даври.

2.6. **Бахтсиз ҳодиса** – Суғурта килдирувчининг/Суғурталанган шахснинг тан жароҳатини ёки организмнинг ички ва ташқи функцияларининг бошқача бузилишини ёки ўлимини келтириб чиқарган, касаллик ёки даволаш муолажаларининг оқибатлари бўлмаган ва Суғурта килдирувчининг/Суғурталанган шахснинг ва/ёки Наф олувчининг иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда суғурта даврида юз берган, тасодифан, қисқа муддатли ташқи ҳодиса.

2.7. **Тан жароҳати** – организмнинг енгиб бўлмас, тасодифан яққол аён бўлган ташқи таъсир натижасида тўғридан-тўғри, бошқа сабабларга боғлиқ бўлмаган ҳолда етказилган жисмоний яхлитлигини бузилиши. Касалликларни ўз ичига олмайди, мазкур таъсир ёки унинг оқибатларидан тўғридан-тўғри ва мутлак равишда келиб чиқадиган касалликлар бундан мустасно.

2.8. **«Соғлиқнинг бошқача тарзда бузилиши»** деганда куйидагилар тушунилади:

а) куйиш, портлаш, яшин уриш ёки электр токи таъсиридан тан жароҳатлари олиш;

б) кимёвий (саноат ёки маиший) моддалар билан заҳарланиш заҳарли ва/ёки куйдирувчи моддалар, буғлар ёки газлар билан нафас олганда ёки улар билан таъсирлашганда юзага келадиган куйишлар;

в) совуқ уриши, чўкиш, тажовузкор шахслар ёки ҳайвонларнинг ҳужум қилиши, офтоб уриши, нафас йўлларига бегона жисми тасодифан тушиши, заҳарли ўсимликлар билан тасодифан ўтқир заҳарланиш, шунингдек транспорт воситаларининг (автомобиль, поезд, трамвай ва бошқаларнинг) ҳаракатланишида ёки уларнинг ҳалокатга учрашида, машиналар, механизмлар ва бошқа турдаги асбоб-ускуналардан фойдаланганда олинган шикастланишлар.

2.9. **Соғлиқнинг турғун бузилиши (ногиронлик)** – Суғурталанган шахснинг умумий иш қобилиятини доимий тўлиқ йўқотилиши билан белгиланадиган, даволаш жараёнида турғун ва қайтариб бўлмайдиган табиатга эга бўлган, Суғурта даври давомида юзага келадиган, ушбу Қоидаларда назарда тутилган бахтсиз ҳодиса оқибатларидан келиб чиқадиган ҳолати.

2.10. **Суғурта тўлови (суғурта таъминоти)** – ушбу Қоидаларда назарда тутилган суғурта ҳодисаси юз берганида Суғурталовчи томонидан Суғурталанган шахсга/Наф олувчига ёки Суғурталанган шахснинг қонуний меросхўрларига персонал суғурта суммаси доирасида тўланадиган пул маблағлари суммаси.

2.11. **Суғурта ҳодисаси тўғрисида далолатнома** – Суғурта қилинган шахс билан юз берган ҳодиса Суғурталовчи томонидан суғурта ҳодисаси деб тан олинганида Суғурталовчи ва Суғурта килдирувчи/Суғурталанган шахс/Наф олувчи (Қоидалар шартларига боғлиқ ҳолда) томонидан тузиладиган ва суғурта тўловини тўлаш учун асос бўлиб хизмат қиладиган ҳужжат.

2.12. **Наф олувчи** – Суғурталанган шахс вафот этган тақдирда, агар Суғурталанган шахс ёки Суғурта килдирувчи томонидан махсус бошқача қоида белгиланмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги

қонунчилигига кўра Суғурталанган шахснинг қонуний меросхўрлари Наф олувчилар деб тан олинади. Бошқа барча тўловлар бўйича, агар бошқа қоида белгиланмаган бўлса, Суғурталанган шахснинг ўзи Наф олувчидир.

2.13. **Суғурта ҳудуди** – Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди.

3. СУҒУРТА ҲОДИСАСИ

3.1. Ушбу Қоидаларда кўрсатилган муддатлар, шартлар ва истисноларга мувофиқ суғурта даврида ва суғурта ҳудуди доирасида бахтсиз ҳодисалар оқибатида **(жумладан ишлаб чиқаришда олинган ва маиший тан жароҳатлари суткада 24 соат давомида)** юз берган қуйидаги ҳодисалар суғурта ҳодисалари деб тан олинади:

3.1.1. Суғурталанган шахснинг тан жароҳати олиши ва/ёки соғлигининг бошқача тарзда бузилиши;

3.1.2. Суғурталанган шахсга суғурта даврида биринчи бор юз берган бахтсиз ҳодиса натижасида ногиронликни белгиланиши. Ушбу бандда ногиронликни белгилаш остида Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ стандартлар бўйича малакаланадиган, ваколатли давлат органи томонидан берилган маълумотномага биноан тасдиқланадиган тиббий экспертиза тушунилади. Суғурталовчи ногиронлик гуруҳини белгилаш факти, сабаблари ва ҳолатларини текшириш ҳуқуқини ўзида қолдиради;

3.1.3. Суғурталанган шахснинг суғурта даврида юз берган бахтсиз ҳодиса натижасида вафот этиши.

3.2. Бахтсиз ҳодисанинг бахтсиз ҳодиса юзага келган кундан эътиборан олти ой ичида юз берган, 3.1.2-кичик бандида назарда тутилган оқибатлари ҳам мазкур Қоидаларга мувофиқ қопланади, аммо шу шарт биланки, бунда бахтсиз ҳодиса суғурта даврида ва ҳудуди доирасида юз берган бўлиши керак.

4. СУҒУРТА ҲОДИСАСИДАН ИСТИСНОЛАР

4.1. Ушбу Қоидалар бўйича 3.1-бандида кўрсатилган, қуйидагилар бевосита ёки билвосита сабаби бўлган ҳодисалар суғурта ҳодисаси деб тан олинмайди:

а) уруш ва ҳар қандай турдаги ҳарбий ҳаракатлар ёки ҳарбий тадбирлар ва уларнинг оқибатлари, бошқа шунга ўхшаш ёки уларга тенглаштирилган ҳодисалар (уруш эълон қилинган ёки қилинмаганидан қатъий назар), исён, фитна, ҳар қандай фуқаролик ғалаёнлари, фуқаролик ёхуд ҳарбий кўзғолонга айланишини назарда тутувчи намоёйишлар, норозилик исёни, ҳокимиятни қуролли ёки бошқача ноқонуний эгаллаб олиш, шунингдек қурол ва ўқ-дориларни қўллаш ва/ёки сақлаш билан боғлиқ ҳар қандай шунга ўхшаган бошқа воқеа, жумладан террорчилик ҳаракати;

б) ядро портлаши, радиация ва радиоактив зарарланиш;

в) Суғурта қилдирувчининг/Суғурталанган шахснинг суғурта ҳодисаси юз беришига қаратилган қасддан содир этилган ҳаракатлари ва/ёки ҳаракатсизлиги, мазкур шахслар бундай ҳаракатларни амалга ошириш пайтида муомалага лаёқатли ёки муомалага лаёқатсиз бўлишидан қатъий назар, бундан улар томонидан ўз фуқаролик бурчини бажариш ёки Суғурта қилдирувчининг/Суғурталанган шахснинг ёки учинчи шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш билан боғлиқ ҳаракатлар мустасно;

г) Суғурталанган шахснинг расмий спорт тадбирларида (мусобақаларида) ёки спорт билан профессионал тарзда мунтазам шуғулланиш (машқлар, кўргазмали чиқишлар, йигинлар ва бошқалар) билан боғлиқ бошқа тадбирларда иштирок этиши, турли учувчи аппаратлардан фойдаланиш, парашют билан сакраш, шунингдек ҳаёт ва соғлиқ учун бевосита юқори хавф билан боғлиқ бошқа тадбирлар;

д) Суғурталанган шахснинг алкоголь таъсирида мастлик ҳолатида бўлиши/заҳарланиши ёхуд наркотик ёки токсик мастлик ҳолатида бўлиши ва/ёки заҳарланиши.

Ушбу Қоидалар шартларига мувофиқ Суғурталанган шахснинг мастлик ҳолатини аниқлаш учун тиббий кўрикдан ўтишни рад этиши мазкур кичик бандда кўрсатилган ҳолатлар мавжудлигига тенглаштирилади;

е) Суғурталанган шахснинг ҳар қандай алкоголь ўрнини босувчиларни, наркотик, психотроп ва токсик моддаларни ихтиёрий равишда истеъмол қилиши ва ушбу омиллар билан боғлиқ ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), тегишли малакага эга бўлган шифокорнинг кўрсатмаларига аниқ риоя вилган ҳолда дори воситаларини қабул қилиш бундан мустасно;

ж) Суғурталанган шахснинг ўзини ўзи ўлдириши ёки ўзини ўзи ўлдиришга суиқасд қилиши, Суғурта Қоидаларси ушбу пайтга келиб икки йилдан ортиқ амал қилган ҳолат бундан мустасно;

з) ташҳислаш, даволаш ва профилактика тадбирларининг (жумладан дорилар инъекцияларининг) салбий оқибатлари, агар улар шикастланиш оқибатларини даволаш билан боғлиқ бўлмаса;

и) хавфсизлик техникаси, меҳнат муҳофазаси қоидалари ва саноат санитарияси нормаларининг қўпол бузилиши;

к) ушбу Қоидалар тузилган пайтда Суғурталанган шахсда мавжуд бўлган юрак-томир тизими, қон айланиши тизими (гипертонияда) касалликларининг, диабет, неврологик касалликларнинг зўрайиши ёки хуружи;

л) инсульт, инфаркт (инфаркт ҳеч қайси ҳолатда бахтсиз ҳодиса оқибати сифатида қаралмайди);

м) ушбу Қоидалар амал қилиши даврида юзага келиши ёки зўрайиши мумкин бўлган ўткир ёки сурункали касаллик, касб касаллиги;

н) портлаш хавфли ва енгил алангаланувчан материаллар билан ишлаш.

4.2. Қуйидагилар бахтсиз ҳодисалар деб ҳисобланмайди:

- барча турдаги касалликлар, шу жумладан инфекция касалликлари, жумладан ОИВ инфекцияси, ОИТС, ҳар қандай таносил касалликлари, шунингдек озик-овқат маҳсулотлари ёки дори препаратлари истеъмол

қилинганида юзага келган саломатлик бузилиши суғурта ҳодисаси деб эътироф қилинмайди.

- токсикозлар ва аёлларда ҳомиладорлик ҳолатининг бошқа асоратлари, бола ташлаш/ҳомиладорликнинг муддатидан аввал тўхтатилиши, туғруқ, туғруқ пайтида ва ундан кейин ортирилган асоратлар ва касалликлар.

4.3. Ушбу Қоидаларнинг 3.1-бандида кўрсатилган ва унинг юзасидан Суғурта қилдирувчи, Суғурталанган шахс ва/ёки Наф олувчи Суғурталовчига била туриб ёлғон маълумотларни тақдим этган ҳодисалар суғурта ҳодисалари бўлмайди.

4.4. Суғурталовчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида назарда тутилган ҳолларда суғурта тўловини амалга оширишдан озод қилинади.

5. СУҒУРТА СУММАСИ, СУҒУРТА МУКОФОТИ ВА УЛАРНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

5.1. Ушбу Қоидалар бўйича суғурта суммаси 100 000 000 (юз миллион) сўмни ташкил этади.

5.2. Ушбу Қоидалар бўйича суғурта мукофоти 200 000 (икки юз минг) сўмни ташкил этади.

5.3. Умумий суғурта мукофоти ушбу Қоидалар тарафлар томонидан имзоланганидан кейин 5 (беш) банк кунда бир йўла тўланади.

5.4. Пул маблағларини ўтказганлик учун банк комиссияси ва комиссияни тўлашга доир харажатлар тўловчи ҳисобидан амалга оширилади.

5.5. Суғурталовчининг ҳисоб рақамига пул маблағлари ўтказилган кун суғурта мукофоти тўланган кун деб ҳисобланади.

5.6. Ушбу Қоидалар бўйича барча ўзаро ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси «сўм» да амалга оширилади.

6. ҚОИДАЛАРНИНГ КУЧГА КИРИШИ ВА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

6.1. Ушбу Қоидалар уни ҳар иккала тараф имзоланган пайтдан эътиборан кучга киради ва 20 ____ йилнинг « ____ » ____ га қадар амал қилади.

6.2. Суғурта даври Қоидаларда баён қилинган шартларда суғурта мукофоти ёки унинг қисми тўланган куннинг эртаси куни соат 00:00 бошланади ва Суғурта полисида кўрсатилган суғурта даври тугаши санасига қадар амал қилади.

6.3. Суғурта мукофоти ёки унинг навбатдаги қисми (суғурта бадали) ўз вақтида тўланмаган тақдирда, Суғурталовчининг мажбуриятлари тўхтатилади ва у тўланган пайтга қадар амал қилмайди.

6.4. Суғурта мукофоти Суғурта қилдирувчи томонидан Суғурталовчининг ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан тўланади. Суғурталовчининг ҳисоб рақамига пул маблағлари ўтказилган кун суғурта мукофоти тўланган кун деб ҳисобланади.

6.5. Суғурта полиси суғурта мукофоти Суғурталовчининг ҳисоб рақамига келиб тушганидан кейин 3 (уч) банк куни ичида Суғурта қилдирувчига берилади. Суғурта полиси йўқотилган тақдирда, дубликат Суғурта қилдирувчининг ёзма аризаси асосида Суғурталовчи томонидан икки иш куни ичида берилади.

7. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

7.1. Ушбу Қоидалар амал қилиши даврида Суғурта қилдирувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- а) Суғурталовчи билан келишилган ҳолда ушбу Қоидаларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;
- б) суғурта масалалари бўйича Суғурталовчининг маслаҳатларини олиш;
- в) Суғурта полиси йўқотилган тақдирда унинг дубликатини олиш.

7.2. Суғурталанган шахс қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- а) Суғурта Қоидаларси тузилганида ўз хоҳишига биноан Наф олувчини кўрсатиш;
- б) Суғурта қилдирувчига ушбу Қоидалар амал қилиши даврида Наф олувчини алмаштириш тўғрисидаги илтимос билан мурожаат қилиш;
- в) Суғурта қилдирувчидан ушбу Қоидалар амал қилиши шартлари ўзгарганлиги тўғрисидаги ахборотни сўраш;

г) суғурта ҳодисаси юз берганида ўз фойдасига тузилган мазкур Қоидалар бўйича қабул қилинган мажбуриятларни Суғурталовчи томонидан бажарилишини талаб қилиш;

д) Суғурталовчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида назарда тутилган тартибда тугатилган тақдирда, Суғурталовчига ушбу Қоидаларни қайта расмийлаштириш таклифи билан мурожаат қилиш.

7.3. Ушбу Қоидалар амал қилиши даврида Суғурта қилдирувчи қуйидагиларни бажариши шарт:

а) ушбу Қоидалар тузилганида ўзига маълум бўлган, суғурта ҳодисаси юз бериши эҳтимолини ва у содир бўлганида қутилиши мумкин бўлган зарарлар миқдорини аниқлаш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни Суғурталовчига хабар қилиши.

Суғурталовчи томонидан Ариза-анкетада ёки Суғурта қилдирувчи томонидан Суғурталовчига тақдим этилган бошқа ҳужжатларда аниқ баён қилинган ҳолатлар муҳим деб тан олинади;

б) ушбу Қоидаларда белгиланган тартибда ва муддатларда суғурта мукофотини киритиши (тўлаши);

в) Суғурталовчига таваккалчилик даражасида ва суғурта ҳодисаси юзага келиши эҳтимолини оширувчи ҳолатларда барча муҳим ўзгаришлар ҳақида хабар бериши. Ариза-анкетада кўрсатилган ҳолатларнинг ўзгариши муҳим деб тан олинади;

г) суғурта ҳодисаси юзага келиши эҳтимолини бартараф қилиш учун ўзига боғлиқ бўлган барча

чораларни кўриши;

д) суғурта ҳодисаси белгиларига эга ҳодиса юз берганида ушбу Қоидаларнинг 8.1-бандида кўрсатилган муддат ва усулда Суғурталовчини мазкур ҳодиса юз берганлиги ҳақида хабардор қилиши;

е) хавфсизлик техникаси ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиши шарт.

7.4. Суғурталовчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) ушбу Қоидаларда назарда тутилган ҳолларда, шунингдек Суғурта қилдирувчи (Суғурталанган шахс) томонидан ушбу Қоидалар бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятлар бажарилмаганида ёки лозим даражада бажарилмаганида суғурта тўловини (суғурта таъминотини) тўлашни рад этиш;

б) Суғурта қилдирувчи томонидан Қоидаларнинг 7.3 (в) бандида назарда тутилган мажбурият бажарилмаган тақдирда, Суғурта Қоидаларси бекор қилинишини ва мазкур Қоидаларнинг бекор қилиниши натижасида етказилган зарарларни қоплашни талаб қилиш;

в) суғурта ҳодисаси белгиларига эга ҳодиса юз берганлиги тўғрисида ўз вақтида (ушбу Қоидаларнинг 8.1-бандида кўрсатилган муддатларга мувофиқ) хабардор қилинмаганида суғурта таъминотини тўлашни рад этиш;

г) Суғурта қилдирувчи/Суғурталанган шахс томонидан хабар қилинган ахборотнинг ишончли эканлигини Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига зид бўлмаган, ўзи фойдалана оладиган ҳар қандай усуллар билан текшириш;

д) суғурта ҳодисаси юзага келиши эҳтимолини камайтиришга йўналтирилган огоҳлантирувчи тадбирларни ўтказиш;

е) жабрланувчи Суғурталанган шахсга унинг ҳолатини текшириш ва унинг касаллик тарихини ўрганиш учун ўзининг ишончли шифокор-экспертини юбориш;

ж) агар баён қилинган ҳодиса юзага келишига олиб келган ҳолатларга нисбатан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан Суғурта қилдирувчига, Суғурталанган шахсга ёки Наф олувчига қарши жиноят иши қўзғатилган бўлса, суғурта тўлови тўғрисида қарор қабул қилинишини тергов ва/ёки суд жараёни яқунланишига қадар кечиктириш;

з) суғурта мукофотини тўлаш 30 (ўттиз) календарь кунидан ортиқ муддатга кечиктирилган тақдирда, ушбу Қоидаларнинг амал қилишини бир тарафлама тартибда бекор қилиш.

7.5. Суғурталовчи қуйидагиларни бажариши шарт:

а) ушбу Қоидаларда белгиланган муддатларда Суғурта полисини бериши;

б) барча зарур ҳужжатлар олинганидан кейин ушбу Қоидаларга мувофиқ баён қилинган ҳодисани суғурта ҳодисаси деб тан олиш/тан олмаслик, суғурта тўловини амалга ошириш, бирор-бир пул маблағларини тўлашни кечиктириш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиши;

в) суғурта тўлови ҳақида ижобий қарор қабул қилинган тақдирда, ушбу Қоидаларда белгиланган муддатда суғурта тўловини амалга ошириш;

г) ушбу Қоидалар амал қилиши даврида суғурта масалалари бўйича маслаҳат бериш;

д) Суғурталанган шахсни ва Наф олувчини уларнинг ушбу Қоидалар бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан таништириши;

е) Суғурта қилдирувчига/Суғурталанган шахсга ушбу Қоидалар шартларини ўзгариши тўғрисидаги ахборотни тақдим этиши;

ж) суғурта даврида Суғурта қилдирувчидан/Суғурталанган шахсдан/Наф олувчидан олинган ахборотнинг махфийлигига риоя қилиши, бундан Суғурталовчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ давлат органларига ахборот тақдим этиши шарт бўлган ҳоллар мустасно.

8. СУҒУРТА ДАЪВОСИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ

8.1. Суғурта ҳодисаси белгиларига эга ҳодиса юз берганида Суғурта қилдирувчи (Суғурталанган шахс/Наф олувчи) қуйидагиларни бажариши шарт:

а) имкон юзага келиши билан дарҳол, аммо суғурта ҳодисаси белгиларига эга ҳодиса юз берган пайтдан 30 (ўттиз) кундан кечикмай Суғурталовчига мазкур ҳодиса юзага келишига таъсир кўрсатган сабаблар ва ҳолатларни кўрсатган ҳолда ёзма аризани юбориши;

б) ушбу Қоидаларнинг 8-бўлимида кўрсатилган ҳужжатлар Суғурта қилдирувчи томонидан объектив сабабларсиз 3 (уч) календарь оyi ичида тақдим этилмаган тақдирда, Суғурталовчи содир бўлган воқеани суғурта ҳодисаси деб тан олмасликка ва суғурта таъминотини тўлашни рад этишга ҳақли.

8.2. Суғурта даъвосини кўриб чиқиш учун Суғурталанган шахс/Наф олувчи қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши шарт:

8.2.1. Суғурта қилинган шахс тан жароҳати олганида ва/ёки соғлиғи бошқача тарзда бузилганида:

а) Суғурта полисининг асли;

б) шахсни тасдиқловчи ҳужжат;

в) ташхиси, сабаблари ва бошқалар баён қилинган ҳолда тиббиёт муассасасидан олинган маълумотнома;

г) агар Суғурталанган шахс/Наф олувчи транспорт воситасини бошқарган бўлса, ЙТХ да алкоголь таъсирида, наркотик ёки токсик мастлик ҳолатинининг мавжуд эмаслиги тўғрисидаги тиббий хулоса.

8.2.2. Суғурта қилинган шахснинг соғлиғига барқарор путур етканида (ногирон бўлиб қолганида):

8.2.1-банди бўйича тақдим этилган ҳужжатларга қўшимча равишда Суғурталовчига ногиронлик даражаси кўрсатилган ҳолда ваколатли давлат органининг хулосаси тақдим этилади;

8.2.3. Суғурта қилинган шахс вафот этганида ушбу Қоидаларда тайинланган Наф оловчи мавжуд бўлганида:

а) Суғурта полисининг асли;
б) Наф оловчи шахсини тасдиқловчи ҳужжат;
в) ўлим тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;
г) агар Полисда Наф оловчи кўрсатилмаган бўлса, Наф оловчи сифатида Суғурта қилинган шахснинг меросхўрлари тайинланади, улар мавжуд бўлмаганида Суғурта қилдирувчи Наф оловчи бўлиб ҳисобланади.

8.3. Суғурталовчи ушбу Қоидаларнинг 4-бўлимида кўрсатилган ҳодисалар натижасида суғурта ҳодисаси юзага келиши эҳтимолини истисно этиш учун қўшимча ҳужжатларни талаб қилиши мумкин.

8.4. Суғурта қилдирувчи томонидан ҳар қандай йўқотилишлар ва/ёки шикастланишлар юз берганлиги ҳақида хабар берилганида, Суғурталовчи ўз ходимини ёки даъволарни кўриб чиқиш ишониб топширилган бошқа шахсни суғурта ҳодисаси белгиларига эга ҳодиса тури, сабаблари ва ҳолатларини тўлиқ ўрганиш учун йўллашга ҳақли.

8.5. Суғурта ҳодисаси белгиларига эга ҳодиса сабаблари ва ҳолатларини кўрсатувчи ҳужжатларга асосланган ҳолда Суғурталовчи томонидан мазкур ҳодисани суғурта ҳодисаси деб тан олиш ёки тан олмаслик ҳақида қарор чиқарилади. Суғурталовчи томонидан суғурта ҳодисаси тан олинган тақдирда, тарафлар томонидан Суғурта ҳодисаси ҳақида далолатнома тузилади ва имзоланади, унда тўланиши лозим бўлган сумма белгиланади.

8.6. Суғурталовчининг суғурта таъминотини тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарори барча ҳужжатлар тақдим этилганидан кейин 15 (ўн беш) кундан кечикмай Суғурта қилдирувчига/ Суғурталанган шахсга/Наф оловчига хабар қилиниши ва рад этиш сабабларининг асослантирилган изоҳини ўз ичига олиши керак.

Суғурталовчининг қароридан норози бўлган тақдирда, Суғурта қилдирувчи даъвони ҳал қилиш учун мустақил эксперт тайинланишини талаб қилиши мумкин.

8.7. Агар бахтсиз ҳодиса юз бериши факти бўйича жиноят иши, фуқаролик иши ёки маъмурий жазо қўллаш тўғрисида иш қўзғатилган бўлса, Суғурталовчи тўланиши лозим бўлган суммани тўлаш ҳақидаги масалани ҳал қилишни ваколатли органлар томонидан тегишли қарор қабул қилиниши пайтига қадар кечиктириш ҳуқуқига эга.

8.8. Суғурта ҳодисаси юз берганлигини исботлаш Суғурта қилдирувчи/Суғурталанган шахс/Наф оловчи зиммасида бўлади.

9. СУҒУРТА ТАЪМИНОТИНИ ТўЛАШ ТАРТИБИ

9.1. Суғурталанган шахслар ушбу Қоидалар билан қопланадиган бахтсиз ҳодиса оқибатида тан жароҳатларини олганда ва/ёки соғлиғининг бошқача тарзда бузилишларида, суғурта тўлови «NEO INSURANCE CORP» АЖда тасдиқланган «Суғурталанган шахснинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зийнни ўрнини қоплаш бўйича тўловлар жадвали»га мувофиқ, аммо персонал суғурта суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда амалга оширилади.

Агар Жадвалда Суғурталанган шахс томонидан олинган тан жароҳати суғурта тўловини ҳисоблаш учун кўрсатилмаган бўлса, Суғурталовчи томонидан оғирлик даражаси жиҳатидан яқин бўлган тан жароҳати учун суғурта суммасининг фоизи қўлланилади.

9.2. Суғурталанган шахсга бахтсиз ҳодиса юз берган кундан эътиборан олти ой ичида ногиронлик гуруҳи белгиланган тақдирда, суғура тўлови ушбу Қоидалар 3-бўлимининг 3.1.1. ва 3.1.2-бандларида кўрсатилган суғурта ҳодисалари муносабати билан илгари тўланган суммаларни ҳисобга олган ҳолда, аммо ушбу Қоидаларнинг 1-иловасида кўрсатилган персонал суғурта суммасидан кўп бўлмаган миқдорда қуйидаги тартибда тўланади:

- Суғурталанган шахсга I гуруҳ ногиронлиги белгиланганида – персонал суғурта суммасининг 100% миқдорида;

- Суғурталанган шахсга II гуруҳ ногиронлиги белгиланганида – персонал суғурта суммасининг 80% миқдорида;

- Суғурталанган шахсга III гуруҳ ногиронлиги белгиланганида – персонал суғурта суммасининг 60% миқдорида.

9.3. Суғурталанган шахсга ушбу Қоидалар амал қилиши даврида юқорироқ даражада ногиронлик белгиланган тақдирда, суғурта тўлови ушбу Қоидалар 3-бўлимининг 3.1.2-бандида кўрсатилган суғурта ҳодисаси муносабати билан илгари тўланган суммаларни ҳисобга олган ҳолда, аммо ушбу Қоидаларнинг 1-иловасида кўрсатилган суғурта суммасидан кўп бўлмаган миқдорда тўланади.

9.4. Суғурталанган шахс вафот этган тақдирда суғурта тўловининг суммаси Суғурталанган шахсга илгари тўланган суғурта таъминотини айириб ташлаган ҳолда мазкур Суғурталанган шахс учун белгиланган ва ушбу Қоидаларнинг 1-иловасида кўрсатилган персонал суғурта суммасининг 100 фоизини ташкил этади.

9.5. Суғурталовчи томонидан Суғурта даври мобайнида айнан битта Суғурталанган шахс билан юз берган битта ёки бир нечта суғурта ҳодисалари бўйича амалга оширилган суғурта тўловининг умумий суммаси ушбу Қоидаларнинг 1-иловасида кўрсатилган унинг персонал суғурта суммасидан ошмаслиги лозим.

9.6. Суғурта тўлови Суғурта ҳодисаси тўғрисида далолатнома имзоланган кундан эътиборан 5 (беш) банк куни ичида амалга оширилади.

10. СУҒУРТА ҚОИДАЛАРСИНИНГ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БЕКОР БЎЛИШИ

10.1. Суғурта Қоидаларси, агар у кучга кирганидан кейин суғурта ҳодисаси юз бериши эҳтимоли йўқолган ва суғурта хавфининг мавжуд бўлиши суғурта ҳодисасидан бошқа ҳолатлар бўйича тугаган бўлса, тузилган муддати келишидан олдин бекор бўлади. Қуйидагилар шундай ҳолатлар жумласига киради, чунончи:

суғурталанган мол-мулкнинг юз берган суғурта ҳодисасидан бошқа сабабларга кўра нобуд бўлиши;
тадбиркорлик хавфини ёки ана шу фаолият билан боғлиқ фукаровий жавобгарлик хавфини суғурталаган шахснинг тадбиркорлик фаолиятини белгиланган тартибда тўхтатиши.

10.2. Суғурта Қоидаларси ушбу Қоидаларнинг 10.1 бандида кўрсатилган ҳолатлар бўйича муддатидан олдин бекор бўлганда, суғурталовчи суғурта мукофотининг бир қисмини суғурта амал қилган вақтга мутаносиб равишда олиш ҳуқуқига эга.

10.3. Суғурта қилдирувчи (наф олувчи), агар воз кечиш пайтига келиб суғурта ҳодисанинг юз бериш эҳтимоли ушбу Қоидаларнинг 10.1 бандида кўрсатилган ҳолатлар бўйича йўқолмаган бўлса, суғурта Қоидаларсини бажаришдан истаган пайтида воз кечишга ҳақли.

Бундай вазиятда (Суғурта қилдирувчи ёки наф олувчи суғурта Қоидаларсидан муддатидан илгари воз кечган тақдирда), суғурталовчига тўланган суғурта мукофоти қайтариб берилмайди.

10.4. Агарда суғурта Қоидаларси наф олувчи фойдасига тузилган бўлса, суғурта Қоидаларсини муддатидан илгари бекор қилиш учун унинг ёзма розилиги олиниши мажбурийдир.

11. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

11.1. Тарафлар ўз зиммаларига олган мажбуриятларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўлади.

11.2. Амалдаги суғурта полиси берилган ва у бўйича суғурта мукофоти ёки унинг қисми ўз вақтида тўланмаган тақдирда, Суғурта қилдирувчи Суғурталовчинининг талабига кўра ҳар бир кечиктирилган кун учун суғурта мукофотининг (тўловининг) тўланмаган қисми суммасидан 0,1% миқдорида, аммо суғурта мукофотининг тўланмаган қисмидан 10% дан ортиқ бўлмаган ҳолда пеня тўлайди. Бунда Суғурталовчининг мажбуриятлари навбатдаги тўлов ўз вақтида тўланмаган пайтдан то суғурта мукофотининг зарур бўлган қисми тўланишига қадар тугатилади.

11.3. Ўз мажбуриятларини бажаришни кечиктиргани учун Суғурталовчи Суғурта қилдирувчининг талабига кўра унга ҳар бир кечиктирилган кун учун Суғурта ҳодисаси тўғрисида далолатномада қайд этилган зарар суммасидан 0,1% миқдорида, аммо зарар суммасидан 10% дан юқори бўлмаган ҳолда неустойка тўлайди. Неустойкани тўлаш Суғурталовчини суғурта таъминотини тўлаш мажбуриятидан озод қилмайди.

11.4. Тарафлар ушбу Қоидалар бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганликлари учун, агар мажбуриятларни бундай бажармаслик енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор) натижасида келиб чиққан бўлса, жавобгар бўлмайдилар. Енгиб бўлмас куч ҳолатлари таъсирига учраган Тараф мазкур ҳолатларнинг юзага келганлиги ва уларнинг таъсирининг давом этиши эҳтимоли ҳақида бошқа Тарафни дарҳол хабардор қилиши керак.

12. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

12.1. Ушбу Қоидаларда назарда тутилган ёки у билан боғлиқ масалалар юзасидан низолар ёки келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, тарафлар уларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш чораларини кўрадилар.

12.2. Ушбу Қоидалардан келиб чиқадиган ёки у билан боғлиқ, шу жумладан унинг ижро этилиши, бузилиши, тугатилиши ёки ҳақиқий эмаслигига доир низолар ёки келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш мумкин бўлмаган тақдирда, улар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ ҳал қилиниши лозим.

13. БОШҚА ШАРТЛАР

13.1. Ушбу Қоидаларга барча ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш, шунингдек уни амал қилишини узайтириш ёки тугатиш тарафларнинг розилиги билан ёзма равишда амалга оширилиши лозим.

13.2. Тарафларнинг ушбу Қоидаларда баён қилинмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан тартибга солинади.

13.3. Тарафлар ушбу Қоидаларнинг, у билан боғлиқ бўлган иловалар ва бошқа ҳужжатларнинг мавжудлигини ва мазмунини ҳар қандай учинчи шахсга тегишли тарафнинг дастлабки тарзда олинган ёзма розилигисиз очиб бермасликка келишиб олдилар ва тасдиқлайдилар, тарафларнинг ҳар бири Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ давлат органларига ахборот тақдим этиши шарт бўлган ҳоллар бундан мустасно.

13.4. Мазкур Қоидалар 2 (икки) асл нусхада тузилган бўлиб, улар бир хил юридик кучга эга ва Тарафларнинг ҳар бирида бир нусхадан сақланади.

14. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ:

СУҒУРТАЛОВЧИ: «NEO INSURANCE CORP» АЖ Манзили: _____ тел: _____	СУҒУРТА ҚИЛДИРУВЧИ: _____ Манзили: _____ тел: _____
--	---

E-mail: _____ _____ даги х/р: _____ БММ: _____ СТИР: _____ ИФУТ: _____	E-mail: _____ _____ даги х/р: _____ БММ: _____ СТИР: _____ ИФУТ: _____
ТАРАФЛАРНИНГ ИМЗОЛАРИ:	
Суғурталовчи номидан: Бош директор/_____ филиали директори/Бошқа ваколатли шахс _____ <i>(Ф.И.О.)</i>	Суғурта қилдирувчи номидан: _____ <i>лавозими Ф.И.О.</i>
_____ <i>ИМЗО</i> <i>М.Ў.</i>	_____ <i>ИМЗО</i> <i>М.Ў.</i>

__/__/__-сонли
Бахтсиз ҳодисалардан
суғурта қилиш Қоидаларининг
2-илловаси
«__» _____ 20__ й.

Суғурталанган шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғига
етказилган зиён ўрнини қоплаш бўйича тўловлар
ЖАДВАЛИ

Модда	Шикастланиш характери	Қоплана-диган зиён миқдори, %
МАРКАЗИЙ ВА ПЕРИФЕРИК НЕРВ ТИЗИМИДА		
1.	Бош чаноғи суякларининг синиши:	
	а) чаноқ гүмбазы суякларининг ташқи пластинкасы синиши	5
	б) чаноқ гүмбазы суякларининг синиши	15
	в) чаноқ асоси суякларининг синиши	20
	г) чаноқ гүмбазы ва асоси суякларининг синиши	25
	д) суякларнинг очик синишларида қўшимча равишда тўланади	5
2.	Бош чаноғи ички шикастланиши гематомалари:	
	а) эпидурал гематома	20
	б) субдурал гематома	25
	в) субарахноидал	15
3.	Бош мия моддасининг мажакланиши	50
4.	Бош миянинг лат ейиши	10
5.	Бош мия чайқалиши	5
	Изоҳ: 1. Агар бош чаноғи-мия шикастланиши муносабати билан чаноқнинг пармаланиши ўтказилган бўлса, 10% миқдорда қўшимча суғурта товони тўланади. 2. Агар бош чаноғи-мия шикастланиши натижасида 1–5-бандларда санаб ўтилган шикастланишлар юз берса, суғурта товони уларнинг ҳар бирини ҳисобга олган ҳолда қўйиши йўли билан тўланади.	
6.	Нейротроп заҳарлар билан тасодифан заҳарланиш, кана чакишидан ёки эмлашдан кейинги энцефалит (энцефаломиелит), электр токидан, атмосфера электридан шикастланиш, стационар даволанишда қокшол:	
	а) 7 кунгача, охириги кун кирган ҳолда	5
	б) 21 кунгача, охириги кун кирган ҳолда	10
	в) 30 кунгача, охириги кун кирган ҳолда	15
	г) 30 кундан ортиқ	25
7.	Ҳар қандай даражада орқа миянинг, шунингдек умуртқа поғонаси биринчи бўлмасининг шикастланиши:	
	а) чайқалиши	5
	б) лат ейиши	10
	в) қисман узилиши, эзилиши, полиомиелит	50
	г) орқа миянинг тўлиқ узилиб қолиши	100
8.	Бош чаноғи-мия нервларининг периферик шикастланиши	10
9.	Бўйин, елка, бел, думғаза боғламлари ва улар нервларининг шикастланиши:	
	Боғламларнинг шикастланиши:	
	а) травматик плексит	10
	б) боғламларнинг қисман узилиши	40
	в) боғламларнинг узилиб қолиши	70
	Нервларнинг даражали шикастланиши:	
	г) билак суяги бўғини, болдир суяги билан товон суягини бирлаштирувчи бўғинда	10
	д) билакда, болдирда	20
	е) елка, тирсак бўғини, тос суяги, тизза бўғинида	40
	Изоҳ. Қўл панжаси ёки оёқ кафти суяги даражасида нервларнинг шикастланиши суғурта товонини тўлаш учун асос бўлмайди.	
КўРИШ ОРҒАНЛАРИДА		
10.	Кўзлардан бирида аккомодация фалажлиги	15
11.	Кўзлардан бирида гемианопсия (кўзлардан бирида кўриш майдони ярмининг йўқолиши)	15
12.	Кўзлардан бирида кўриш майдонининг торайиши:	
	а) ноконцентрик	10
	б) концентрик	15
13.	Кўзлардан бирида пульсацияланувчи экзофтальм	20
14.	Кўз соққасининг тешиб ўтувчи шикастланиши, иридокциклит, хориоретинит, чандикли трихиаз, қовокнинг буралиб қолиши, кўз рангдор пардасининг нуқсони, кўз қорачиғи шаклининг ўзгариши (16-бандга 2-изоҳга қаранг)	10
15.	Кўзлардан бирида ёш ўтказиш йўллари фаолиятини бузилиши	10
16.	II-III даражадаги куйишлар, кўз соққасининг тешиб ўтмаган шикастланиши, гемофтальм, кўз гавҳарининг силжиши, кўз соққаси ва кўз чаноғида номагнитли бегона жисмлар, конъюнктивит, кератит, кўз соққаси пардаларида кўриш пасайишини келтириб чиқармаган чандиклар	5
	Изоҳ: 1. Кўзнинг олдинги камерасига патологик ўзгаришларни келтириб чиқармаган қон қуйилиши (гифема) суғурта товонини тўлаш учун асос бўлмайди. 2. Агар битта шикастланиш натижасида 14, 16-бандларда санаб ўтилган бир нечта шикастланишлар юз берса, суғурта товони бир қарра миқдорда тўланади. 3. Агар кўзнинг шикастланиши 10–16-бандларда санаб ўтилган патологик ўзгаришларнинг ривожланишини ва кўриш ўткирлиги пасайишини келтириб чиқарса, суғурта товони барча	

	шикастланишларнинг оқибатларини ҳисобга олган ҳолда қўйиши йўли билан тўланади.									
17.	Ҳар қандай кўриш хусусиятига эга бўлган ягона кўзнинг ёки ҳар қандай кўриш хусусиятига эга бўлган ҳар иккала кўзнинг кўриш қобилиятини тўлиқ йўқотилишини келтириб чиқарган шикастланиши								100	
18.	Шикастланиш натижасида, кўриш қобилиятига эга бўлмаган кўз соққасини олиб ташланиши								10	
19.	Кўз косасининг синиши								15	
20.	Кўриш ўткирлигининг пасайиши (жадвалга қаранг)									
		Кўриш ўткирлиги		Тўла-ниши лозим бўлган суғурта товони-нинг миқдори (%)		Кўриш ўткирлиги		Тўла-ниши лозим бўлган суғурта товони-нинг миқдори (%)		
		шикаст- ланишга қадар	шикаст- ланиш-дан кейин			шикаст- ланишга қадар	шикаст- ланиш-дан кейин			
		1,0	0,9	5		0,6	0,5	5		
			0,8	5			0,4	5		
			0,7	5			0,3	10		
			0,6	5			0,2	10		
			0,5	10			0,1	15		
			0,4	10			0,1 дан паст	20		
			0,3	15			0,0	25		
			0,2	20			0,4	5		
			0,1	30			0,3	5		
			0,1 дан паст	40			0,2	10		
		0,9	0,0	50		0,5	0,1	10		
			0,8	5			0,1 дан паст	15		
			0,7	5			0,0	20		
			0,6	5			0,3	5		
			0,5	10			0,2	5		
			0,4	10			0,1	10		
			0,3	15			0,1 дан паст	15		
			0,2	20			0,0	20		
			0,1	30			0,2	5		
			0,1 дан паст	40			0,1	5		
		0,8	0,0	50		0,4	0,1 дан паст	10		
			0,7	5			0,0	20		
			0,6	5			0,1	5		
			0,5	10			0,1 дан паст	10		
			0,4	10			0,0	20		
			0,3	15			0,1 дан паст	10		
			0,2	20			0,0	20		
			0,1	30			0,1 дан паст	20		
			0,1 дан паст	40						
			0,7	0,0	50			0,3		
		0,6		5						
		0,5		5						
		0,4		10						
		0,3		10						
		0,2		15						
		0,1		20						
		0,1 дан паст		30						
		0,1 дан паст		40						
		Изоҳ: 1. Кўриш ўткирлиги 0,01 дан паст ва ёруғликни сезишга қадар бўлган ҳолат (юзни олдида бармоқларни ҳисоблаш) тўлиқ кўрликка (0,0) тенглаштирилади. 2. Шикастланиш натижасида шикастланишга қадар кўриш хусусиятига эга бўлган кўз соққаси олиб ташланганида, шунингдек у бужмайганида 10% миқдорда қўшимча суғурта товони тўланади.								
		ЭШИТИШ ОРГАНЛАРИ								
	21.	Қулоқ чаноғининг қуйидагиларни келтириб чиқарган шикастланиши (яраланиши, қуйиши, совуқ уриши):								
		а) қулоқ чаноғининг чандикли деформацияланиши ёки 1/3 қисмигача мавжуд эмаслиги								5
		б) қулоқ чаноғининг 1/2 қисми мавжуд эмаслиги								15
		в) қулоқ чаноғининг мавжуд эмаслиги								30
	22.	Эшитиш қобилияти пасайишини келтириб чиқарган қулоқнинг шикастланиши:								
	а) 1 м дан 3 м гача масофада шивирлаб гапиришда								5	
	б) 1 м гача масофада шивирлаб гапиришда								15	
	в) тўлиқ қарликда (оғзаки нутқ – 0)								25	
23.	Шикастланиш натижасида юз берган ва ўзи билан эшитиш қобилияти пасайишини келтириб чиқармаган битта қулоқ пардасининг ёрилиши								5	
	Изоҳ: 1. Агар шикастланиш натижасида қулоқ пардасининг ёрилиши ва эшитиш қобилияти пасайиши юз берса, суғурта товони 22-банд бўйича аниқланади, бунда 23-банд қўлланилмайди. 2. Агар қулоқ пардасининг ёрилиши бош чаноғи асоси (бош чаноғи ўртасидаги чуқурча) синиши натижасида юз ерса, 23-банд қўлланилмайди.									
24.	Қулоқнинг сурункали посттравматик отитни келтириб чиқарган шикастланиши.								10	
	НАФАС ОЛИШ ТИЗИМИДА									
25.	Бурун суякларининг ёки манглай, гаймор бўшлиғи олдинги деворининг синиши:									
	а) бўлақларга ажралиб силжимаган ҳолда								5	
	б) бўлақларга ажралиб силжиган ҳолда								10	
26.	Ўпканинг шикастланиши, тери ости эмфиземаси, гемоторакс, пневмоторакс, пневмония, экссудатив плеврит. қўкрак бўшлиғида бегона жисм мавжудлиги:									

	а) бир тарафдан	5
	б) икки тарафдан	10
	Изоҳ: 1. Шикастланишни (кўкрак суяги ва кўкрак бўшлиғи органларининг шикастланишлари бундан мустасно) даволаш даврида ёки шикастланиш сабабли амалга оширилган жарроҳлик аралашувидан кейинги ривожланган пневмония суғурта товонини тўлаш учун асос бўлмайди. 2. Агар қовургаларнинг, кўкрак суягининг синишлари ўзи билан 26-бандда назарда тутилган асоратларни келтириб чиқарган бўлса, ушбу банд бўйича суғурта товони 28, 29-бандларга қўшимча равишда тўланади.	
27.	Ўпканинг куйидагиларни келтириб чиқарган шикастланиши:	
	а) ўпканинг бўлагини, қисмини олиб ташланиши	40
	б) ўпканинг олиб ташланиши	60
28.	Кўкрак қафасини синиши	10
29.	Қовургаларнинг синишлари:	
	а) битта қовургани	5
	б) ҳар бир кейинги қовургани	3
	Изоҳ: 1. Реанимация тадбирлари вақтида қовургалар синганида суғурта товони умумий асосларда тўланади. 2. Қовурганинг тоғай қисмининг синиши суғурта товони тўлашига асос бўлади. 3. Агар турли даволаш-профилактика муассасаларидан олинган маълумотномаларда шикастланган қовургаларнинг сони турлича кўрсатилган бўлса, суғурта товони кўрсатилган қовургалар сонининг энг кўп миқдорини инобатга олган ҳолда тўланади.	
30.	Кўкрак бўшлиғининг тешиб ўтувчи яраланиши, шикастланиш юзасидан торакотомия:	
	а) кўкрак бўшлиғи органларининг шикастланиши мавжуд бўлмаганида.	10
	б) кўкрак бўшлиғи органларининг шикастланганида	20
	Изоҳ. Агар кўкрак қафаси ва унинг органлари шикастланиши муносабати билан ўпка ёки унинг қисми олиб ташланган бўлса, суғурта товони 27-бандга мувофиқ тўланади; бунда 30-банд қўлланилмайди.	
31.	Бўғиз, трахея шикастланишлари, тил ости суягининг синиши, шикастланиш муносабати билан ўтказилган трахеостомия, бегона жисми олиб ташлаш мақсадида бронхоскопия	10
32.	Бўғиз, трахея, тил ости суяги, қалқонсимон тоғайнинг шикастланишлари, нафас олишнинг бузилишини, овоз бўғиклиги ёки овоз йўқотилишини келтириб чиқарган шикастланиш муносабати билан ўтказилган трахеостомия, трахеостомик найчани тутиб юриш	30
	Изоҳ: 1. Агар суғурта товони 32-бандга мувофиқ тўланган бўлса, 31-банд қўлланилмайди. 2. Шу жумладан, агар суғурта қилдирувчи ўзининг аризасида шикастланиш бўғиз ёки трахея функцияси бузилишини келтириб чиқарганлигини кўрсатган бўлса, мутахассис хулосасини олиш зарур.	
	ЮРАК-ТОМИР ТИЗИМИДА	
33.	Юрак, унинг пардаси ва йирик магистрал томирларнинг шикастланиши	25
34.	Юрак, унинг пардаси ва йирик магистрал томирларнинг юрак етишмовчилигини келтириб чиқарган шикастланиши	50
35.	Йирик периферик томирларнинг қон айланиши бузилишини келтириб чиқармаган шикастланиши	10
36.	Йирик периферик томирларнинг томир етишмовчилигини келтириб чиқарган шикастланиши	30
	Изоҳ. Йирик магистрал томирларга куйидагилар киради: аорта, ўпка, номсиз, уйқу артериялари, ички бўйинтуруқ веналари, юқори ва қуйи ичи ковак веналар, бўйиндаги ёқа вена, шунингдек ички органларда қон айланишини таъминлайдиган магистрал томирлар. Йирик периферик томирларга куйидагиларни киритиш лозим: ўмров ости, қўлтиқ ости, елка, тирсак ва билакнинг пастки учдан бир қисмигача бўлган артериялар, ёнбош, сон, тиззаости, болдирнинг пастки учдан бир қисмигача бўлган олд ва орқа катта болдир артериялари, елка-бош, ўмров ости, қўлтиқ ости, сон ва тиззаости веналари.	
	ОВҚАТ ҲАЗМ ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИДА	
37.	Юқори жағ, ёноқ суяги ёки пастки жағнинг синиши, пастки жағнинг чиқиши	5
	Изоҳ: 1. Юқори жағ ва пастки жағ синишларида суғурта товони уларнинг ҳар бирининг шикастланишини ҳисобга олган ҳолда қўлиши йўли билан тўланади. 2. Жағ синишларида шикастланишининг бир томонлама ёки икки томонлама эканлиги ҳисобга олинмайди. 3. Стоматологик муолажалар вақтида тасодифан юз берган жағ синишида суғурта товони умумий асосларда тўланади. 4. Шикастланиш натижасида тишлар тўкилиши билан кечадиган ёки тишларни олиб ташлашда альвеоляр ўсимтасининг синиши суғурта товонини тўлаш учун асос бўлмайди. 5. Юқори жағ ва ёноқ суяги синишларида суғурта товони бир қарра миқдорда тўланади.	
38.	Пастки жағнинг одатдаги чиқиши	15
	Изоҳ. Пастки жағнинг одатдаги чиқишида суғурта товони фақат ушбу асорат суғурта даврида олинган шикастланиш натижасида юз берган ҳолларда тўланади.	
39.	Жағнинг куйидагиларни келтириб чиқарган шикастланиши:	
	а) жағ бир қисмининг мавжуд эмаслиги	40
	б) жағнинг мавжуд эмаслиги	80
	Изоҳ: 1. Жағ ёки унинг бир қисми мавжуд эмаслиги муносабати билан суғурта товони тўланганида сонига боғлиқ бўлмаган ҳолда тишларнинг йўқотилиши. 2. Жағнинг шикастланиши оғиз бўшлиғидаги бошқа органларнинг шикастланиши билан кечган ҳолларда, тўланиши лозим бўлган суғурта товонининг фоизи ушбу шикастланишларни ҳисобга олган ҳолда тегишли бандлар бўйича қўлиши йўли билан аниқланади.	
40.	Тилнинг шикастланиши (яраланиши, куйиши, совук уриши)	3
41.	Қуйидагиларни келтириб чиқарган ҳолда тилнинг шикастланиши:	
	а) чандиқларнинг ҳосил бўлиши (ўлчамидан катъи назар)	5
	б) тилнинг дистал учдан бир қисми даражасида (учининг) мавжуд эмаслиги	15
	в) тилнинг ўртача учдан бир қисми даражасида мавжуд эмаслиги	30

	г) тилнинг ўзақ даражасида мавжуд эмаслиги ёки тилнинг тўлиқ мавжуд эмаслиги	60
42.	Тишларнинг йўқотилиши:	
	а) 1 та тиш	5
	б) 2-3 та тиш	10
	в) 4 - 6 та тиш	15
	г) 7 - 9 та тиш	20
	д) 10 ва ундан ортиқ тиш	25
	Изоҳ: 1. Шикастланиш натижасида ечиб олинмайдиган тиш протезлари синганида ёки йўқотилганида суғурта товони фақат таянч тишларнинг йўқотилишини ҳисобга олган ҳолда тўланади. Шикастланиш натижасида ечиб олинмайдиган тиш протезлари синганида суғурта товони тўланмайди. 2. 5 ёшгача бўлган болаларда сут тишлари йўқотилганида ёки синганида суғурта товони умумий асосларда тўланади. 3. Тишлар йўқотилганида ва жағ синганида тўланиши лозим бўлган суғурта товонининг миқдори қўйиши йўли билан 37 ва 42-бандлар бўйича аниқланади. 4. Шикастланиш натижасида тиш коронкасининг (камида тўртдан бир қисмини) синиши ёки узилиб тушиши тиш йўқотилишига тенглаштирилади. 5. Агар шикастланиш муносабати билан олиб ташланган тиш имплантация қилинса, суғурта товони умумий асосларда тўланади. У олиб ташланган тақдирда, қўшимча тўлов амалга оширилмайди.	
43.	Меъда-ичак йўллари бўлмаларининг шикастланиши (яраланиши, куйиши):	
	а) оғиз бўшлиғи, бўғиз, кизилўнгач, меъдани;	5
	б) кизилўнгач, меъдада бегона жисмларни функционал бузилишларга олиб келмаган олиб ташлаш мақсадида ўтказилган эзофагогастростомия	10
44.	Қизилўнгачнинг куйидагиларни келтириб чиқарган шикастланиши (яраланиши, куйиши):	
	а) кизилўнгачнинг торайиши	40
	б) кизилўнгачнинг беркилиб қолиши (гастростомия мавжуд бўлганида), пластикадан кейинги ҳолат	100
	Изоҳ. 44 б-банд бўйича тўланиши лозим бўлган суғурта товонининг фоизи шикастланиш олинган кундан эътиборан камида 6 ой ўтгач аниқланади. Ушбу муддатдан олдин суғурта товони дастлабки тарзда 44 а-банди бўйича тўланади.	
45.	Овқат ҳазм қилиш органларининг куйидагиларни келтириб чиқарган шикастланиши (ёрилиши, куйиши, яраланиши), тасодифий ўткир захарланиши:	
	а) холецистит, дуоденит, гастрит, панкреатит, энтерит, колит, проктит, парапроктит	15
	б) меъда, ичак, орқа тешикнинг ёпишиб қолиш касаллиги (ёпишиб қолиши сабабли беркилиб қолиши юзасидан ўтказилган жарроҳлик операциясидан кейинги ҳолат), чандикли торайиши (деформацияси)	30
	в) ичакда тешик, ичак-кинда тешик, меъда ости безида тешик пайдо бўлиши	50
	г) орқа тешикнинг нотабиийлиги (колостомия)	100
	Изоҳ: 1. "а", "б" кичик бандларида назарда тутилган шикастланиш асоратларида суғурта товони шикастланишдан кейин камида 3 ой ўтгач тўланади. 2. Тўланиши лозим бўлган суғурта товонининг фоизи шикастланиш олинган кундан эътиборан камида 6 ой ўтгач 45-(в, г) бандлари бўйича аниқланади. Ушбу муддатдан олдин суғурта товони 45а банди бўйича тўланади.	
46.	Олдинги қорин девори, диафрагма шикастланиши жойида ҳосил бўлган чурра ёки агар жарроҳлик операцияси шикастланиш муносабати билан ўтказилган бўлса, операциядан кейинги чандик соҳасида ҳосил бўлган чурра, шунингдек бундай чурра юзасидан ўтказилган операциядан кейинги ҳолат	10
	Изоҳ: 1. 46-банд бўйича суғурта товони қорин органлари шикастланиши муносабати билан белгиланган суғурта товонига, агар у ушбу шикастланишнинг бевосита оқибати бўлса, қўшимча равишда тўланади. 2. Оғирликни қўтариш натижасида юзага келган қорин чурралари (киндик, қориннинг оқ чизиги, чов ва чов-мояк халтасига доир чурралар) суғурта товонини тўлашга асос бўлмайди.	
47.	Травма, тасодифий ўткир захарланиш натижасида куйидагиларни келтириб чиқарадиган жигарнинг шикастланиши:	
	а) травма ёки тасодифий ўткир захарланиш муносабати билан бевосита ривожланган гепатит (гепатоз)	10
	б) жарроҳлик аралашуви ўтказилишига сабаб бўлган жигарнинг ёрилиши	15
	в) ўт қопининг олиб ташланиши	20
48.	Шикастланиш муносабати билан жигарнинг бир қисмини олиб ташланиши	30
49.	Талокнинг куйидагиларни келтириб чиқарган шикастланиши:	
	а) талокнинг жарроҳлик аралашувини талаб қилмайдиган капсула ости ёрилиши	5
	б) талокни олиб ташланиши	30
50.	Меъда, меъда ости бези, ичак, қатқориннинг куйидагиларни келтириб чиқарган шикастланиши:	
	а) меъда ости бези сохта ўсмасини (кистасини) ҳосил бўлиши	20
	б) меъданинг 1/3 қисмигача, ичакнинг (қатқориннинг) 1/3 қисмигача бўлган қисмини олиб ташланиши (резекцияси)	30
	в) меъданинг 1/2 қисмигача, меъда ости бези қўйруқ қисмининг 1/3 қисмигача, ичакнинг 1/2 қисмигача бўлган қисмини олиб ташланиши (резекцияси)	45
	г) меъданинг 2/3 қисмини, ичакнинг (қатқориннинг) 2/3 қисмини, меъда ости бези танасининг 1/2 қисмини олиб ташланиши (резекцияси)	60
	д) меъдани, меъда ости безининг 2/3 қисмини, ичакни (қатқоринни) олиб ташланиши	80
	е) меъдани ичак билан ва меъда ости безининг бир қисми билан олиб ташланиши	100
51.	Қорин органларининг шикастланиши ва ушбу муносабат билан куйидагиларнинг ўтказилиши:	
	а) лапароскопия (лапаросцентез)	5
	б) қорин органлари шикастланишига шубҳа қилинганда лапаротомия	10
	в) қорин органлари шикастланганда лапаротомия	15
	г) такрорий лапаротомия	10
	Изоҳ: 1. Агар қорин органлари шикастланиши муносабати билан 47-50-бандлар бўйича суғурта товонини тўлаш учун асослар мавжуд бўлса, 51-банд қўлланилмайди.	

	2. Агар овқат ҳазм қилиш тизими органларининг шикастланиши муносабати билан амалга оширилган жарроҳлик аралашувида оғриқли ўзгарган орган шикастланганлиги ва аввал мавжуд бўлган касаллик муносабати билан унинг қисман ёки тўлиқ олиб ташланганлиги аниқланса, суғурта товони фақат 51 б банди бўйича тўланади.	
	СИЙДИК-ЖИНСИЙ ЙЎЛЛАР ТИЗИМИДА	
52.	Буйракнинг қуйидагиларни келтириб чиқарган шикастланиши:	
	а) буйракнинг лат ейиши	5
	б) буйракнинг бир қисмини олиб ташланиши	35
	в) буйракнинг олиб ташланиши	60
53.	Сийдик чиқариш тизими органларининг (буйраклар, сийдик йўллари, қовук, сийдик чиқариш каналининг) қуйидагиларни келтириб чиқарган шикастланиши:	
	а) цистит, уретрит	10
	б) пиелит, пиелонефрит, пиелостит, қовук ҳажмини кичрайиши	15
	в) гломерулонефрит, сийдик найининг, сийдик чиқариш каналининг торайиши	30
	г) буйрак етишмовчилиги	35
	д) сийдик найининг, сийдик чиқариш каналининг беркилиб қолиши, сийдик-жинсий йўлларида тешик яралар	50
	Изоҳ. Агар шикастланиш натижасида сийдик чиқариш тизимининг бир нечта органлари функциясининг бузилиши юз берса, тўланиши лозим бўлган суғурта товонининг фоизи 53-банддаги шикастланишнинг оғирроқ оқибатини инобатга олувчи кичик бандлардан бири бўйича аниқланади.	
54.	Сийдик чиқариш тизими органларининг шикастланиши ва шу муносабат билан жарроҳлик операциясининг ўтказилиши:	
	а) органлар шикастланганлигига шубҳа қилинганда	10
	б) органлар шикастланганлигида	15
	в) шикастланиш муносабати билан амалга оширилган такрорий жарроҳлик операцияси	10
	Изоҳ. Агар шикастланиш муносабати билан буйрак тўлиқ ёки унинг бир қисми олиб ташланган бўлса, суғурта товони 52-(б, в) банди бўйича тўланади; бунда 54-банд қўлланилмайди.	
55.	Жинсий органлар ёки сийдик чиқариш тизими органларининг шикастланиши (яраланиши, узилиши, куйиши, совук уриши)	5
56.	Жинсий органлар тизимининг қуйидагиларни келтириб чиқарган шикастланиши:	
	а) битта тухумдонни, бачадон найчасини, мойкни йўқотилиши	15
	б) ҳар иккала тухумдонни, бачадон найчаларини, мойкларни, олатнинг қисмини йўқотилиши	30
	в) аёлларда бачадонни қуйидаги ёшда йўқотилиши:	
	40 ёшгача	50
	40 ёшдан 50 ёшгача	30
	50 ва ундан катта ёшда	15
	г) олатнинг йўқотилиши	50
	ЮМШОҚ ТЎҚИМАЛАРДА	
57.	Юз тўқималарининг, бўйин олд-ён томондаги юзаларининг, жағ ости соҳасининг қуйидагиларни келтириб чиқарган шикастланиши:	
	а) ҳусннинг ўртача бузилиши	5
	б) ҳусннинг сезиларли бузилиши	15
	в) ҳусннинг кескин бузилиши	40
	г) ҳусннинг хунук даражада бузилиши	70
	Изоҳ: 1. Косметик жиҳатдан сезиларли чандиқларга атрофдаги тери рангидан фарқланадиган, унинг юзасига нисбатан ичига кирган ёки бўртиб чиққан, тўқималарни тортиб турувчи чандиқлар кирази. Ҳусннинг хунук даражада бузилиши – бу механик, кимёвий, термик ва бошқа зўравонлик билан қилинган таъсирлари натижасида одам юзи табиий кўринишининг кескин ўзгариши. 2. Агар юз чаного суякларининг синиқ бўлаклари силжиган ҳолда синиши муносабати билан жарроҳлик (очик репозиция) ўтказилган ва бунинг натижасида юзда чандиқ ҳосил бўлган бўлса ҳамда агар ушбу чандиқ ҳуснни у ёки бу даражада бузса, суғурта товони синиш ва жарроҳликдан кейинги чандиқни ҳисобга олган ҳолда тўланади. 3. Агар юз юмшоқ тўқималарининг, бўйин олд-ён томондаги юзаларининг, жағ ости соҳасининг шикастланиши натижасида чандиқ ёки ҳуснни бузувчи пигмент доғ ҳосил бўлган ва шу муносабат билан суғурта товонининг тегишли қисми тўланган бўлса, сўнгра суғурталанган шахс иунингдек ҳуснни бузувчи янги чандиқлар (пигмент доғлари) ҳосил бўлишини келтириб чиқарган такрорий шикастланишни олса, суғурта товони такрорий шикастланишни ҳисобга олган ҳолда яна тўланади.	
58.	Бошнинг соч қисми, тана, қўл ва оёқлар юмшоқ тўқималарининг битганидан кейин қуйидагича миқдордаги юзаларда чандиқлар ҳосил бўлишини келтириб чиқарган шикастланиши	
	а) 2,0 дан 5,0 кв. см гача	3
	б) 5 кв. см дан тана юзасининг 0,5% гача	5
	в) тана юзасининг 0,5% дан 2,0% гача	10
	г) тана юзасининг 2,0% дан 4,0% гача	15
	д) тана юзасининг 4% дан 6% гача	20
	е) тана юзасининг 6% дан 8% гача	25
	ж) тана юзасининг 8% дан 10% гача	30
	з) тана юзасининг 10% ва ундан ортиғи	35
	Изоҳ. Текишувдан ўтаётган шахс танаси юзасининг I фоизи унинг қўл панжаси ва бармоқлари майдонига тенг. Ушбу майдон билан суяги бўғинидан III бармоқ тирноқ бўғини учига қадар ўлчанадиган қўл панжаси узунлигини II-V панжа ўзаги бошчалари даражасида (I бармоқ ҳисобга олинмаган ҳолда) ўлчанадиган унинг энига қўнайтириш йўли билан квадрат сантиметрларда аниқланади.	
59.	Тана, қўл ва оёқлар юмшоқ тўқималарининг қуйидаги юзда пигмент доғлари ҳосил бўлишини келтириб чиқарадиган шикастланиши:	
	а) тана юзасининг 1% дан 2% гача	3
	б) тана юзасининг 2% ва ундан ортиғи	5
60.	Куйиш касаллиги, интоксикация, куйиш билан боғлиқ шок	10
	Изоҳ. 60-банд бўйича суғурта товони куйиш ёки совуқ урдириш муносабати билан тўланадиган	

	<i>суғурта товониға қўшимча равишда тўланади.</i>	
61.	Мушак чурраси, посттравматик периостит юзага келишини, мушак ва пайларнинг узилишини келтириб чиқарадиган юмшоқ тўқималарнинг ёпиқ шикастланиши; травма муносабати билан пластик операция ўтказилиши учун мушак ёки фациал трансплантатни олиш, шунингдек юмшоқ тўқималарда олиб ташланмаган бегона жисмлар, сўрилмаган гематома	5
	УМУРТҚА ПОҒОНАСИДА	
62.	Умуртқада умуртқа суяги, тўш суяги ва бўгин ўсимталарининг синиши ёки чиқиши:	
	а) битта-иккитаси	20
	б) уч ва ундан ортиғи	30
63.	Умуртқа пайларининг қисман ёки тўлиқ узилиши, умуртқаларнинг кичикроқ даражада чиқиши	20
	Изоҳ: 1. Агар умуртқа шикастланиши муносабати билан жарроҳлик билан даволаш ўтказилган бўлса, қўшимча равишда 15% миқдорда суғурта товони тўланади. 2. Агар умуртқаларнинг синиши ёки чиқиши орқа мия шикастланиши билан кечадиган бўлса, суғурта товони ҳар иккала шикастланишларни ҳисобга олган ҳолда қўйиш йўли билан тўланади.	
64.	Қўндаланг ёки қилтикли ўсмаларнинг синиши:	
	а) битта-иккитаси	5
	б) уч ва ундан ортиғи	10
	Изоҳ. Агар бир шикастланиш натижасида умуртқа танасининг синиши, пайларнинг шикастланиши, қўндаланг ёки қилтикли ўсмаларнинг синиши юз берса, суғурта товони энг оғир шикастланишни назарда тутадиган банд бўйича бир марта тўланади.	
65.	Думғаза суягининг синиши, думғаза умуртқаларининг чиқиши	10
66.	Думғаза умуртқаларининг синиши ёки чиқиши ва шу муносабат билан думғазанинг олиб ташланиши	20
	Изоҳ. Агар бир шикастланиш натижасида умуртқадаги ҳар қандай бўлимнинг, шунингдек думғаза ёки дум суягининг синиши (чиқиши) юз берса, суғурта товони ҳар бир шикастланишни ҳисобга олган ҳолда қўйиш йўли билан тўланади.	
	ҚўЛЛАРДА	
	КУРАК ВА ЎМРОВ СУЯГИДА	
67.	Курак, ўмров суягининг синиши, акромиал-ўмров, кўкрак-ўмров бўгинларининг узилиши:	
	а) битта суякнинг синиши ёки битта бўгиннинг узилиши	5
	б) иккита суякнинг синиши, иккита бўгиннинг узилиши ёки битта суякнинг синиши ва битта бўгиннинг узилиши	10
	в) битмаган синик, сохта бўгин, иккита бўғимнинг узилиши ва битта суякнинг синиши, иккита суякнинг синиши ва битта бўғимнинг узилиши	15
	Елка бўғини	
68.	Елка бўғинининг шикастланиши (курак бўғини ботиғининг, елка суяги бошчасининг, анатомик бўйинчасининг, катта бўртмачасининг синиши, пайлар, бўгин халтачасининг узилиш, елканинг чиқиши):	
	а) битта суякнинг синиши, елканинг чиқиши, пайларнинг, бўгин халтачасининг шикастланиши	5
	б) иккита суякнинг синиши, синиш-чиқиш	10
	в) суякнинг (суякларнинг) синиши ва пайларнинг шикастланиши, битмаган синик	15
69.	Елка бўғинининг қуйдагиларни келтириб чиқарган шикастланиши:	
	а) елканинг одатий чиқиши	20
	б) бўғинда ҳаракатларнинг йўқлиги (анкилоз)	45
	в) суякларни ташкил қилувчи бўгин юзларини резекция қилиш натижасида "осилиб турувчи" елка бўғини	60
	Изоҳ: 1. Агар 67, 68, 69-бандларда санаб ўтилган шикастланишлар муносабати билан жарроҳлик аралашувлари ўтказиладиган бўлса, 10% миқдорда қўшимча суғурта товони тўланади. Бунда трансплантатни олиш учун қўшимча тўлов олинмайди. 2. Одатдаги чиқишда, агар ушбу чиқиш суғурта Қоидаларси амал қилиши даврида содир бўлган бирламчи чиқиш натижасида юз берган бўлса, суғурта товони тўланади. Елканинг бирламчи чиқиши ташхиси уни жойига қўйиш амалга оширилган даволаш муассасаси томонидан тасдиқланган бўлиши керак. Елканинг одатдаги чиқиши такрорланганида суғурта иовони тўланмайди. 3. Агар елка бўғинининг шикастланиши муносабати билан 68-банд бўйича суғурта товони тўланган бўлса, сўнра 69-бандда санаб ўтилган асоратлар юзага келган бўлса, суғурта товони илгари амалга оширилган тўловни инобатга олган ҳолда уни айириб ташлаш йўли билан 69-банднинг кичик бандларидан бирига мувофиқ тўланади.	
	ЕЛКАДА	
70.	Елка суягининг ҳар қандай даражадаги синиши (бўгин соҳаси бундан мустасно):	
	а) синик бўлаклари силжимаган ҳолда синиши	15
	б) синик бўлаклари силжиган ҳолда синиши	25
	Изоҳ. Агар елка синиши муносабати билан жарроҳлик аралашувлари ўтказилган бўлса, 10% миқдорда қўшимча суғурта товони тўланади.	
71.	Қуйдаги ҳолларда қўлнинг травматик ампутацияси ёки унинг ампутацияга олиб келган оғир шикастланиши:	
	а) курак, ўмров ёки уларнинг бир қисмида	80
	б) елкада ҳар қандай даражада	75
72.	Сохта бўгин (битмаган синик) ҳосил бўлган ҳолда асоратланган елка суягининг синиши	45
	Изоҳ. 72-банд бўйича суғурта товони шикастланиш олинганидан кейин камида 9 ой ўтгач тўланади. Агар елканинг синиши муносабати билан илгари суғурта товони тўланган бўлса, унинг миқдори якуний қарор чиқарилганида айириб ташланади.	
	ТИРСАК БЎҒИНИДА	
73.	Тирсак бўғини соҳасида шикастланишлар (бўғинни, шу жумладан метафизар бўғинни ташкил этувчи суякларнинг синиши, пайларнинг, бўгин халтачасининг шикастланиши, билакнинг чиқиши):	
	а) синик бўлаклари силжимаган, пайлари шикастланмаган ҳолда битта суякнинг синиши	5
	б) синик бўлаклари силжимаган ҳолда иккита суякнинг синиши	10

	в) синиқ бўлаклари силжиган ҳолда суякнинг (суякларнинг) синиши	15
74.	Тирсак бўғини соҳасида қуйидагиларни келтириб чиқарган шикастланиш:	
	а) бўғинда ҳаракатларнинг йўқлиги (анкилоз)	40
	б) "осилиб турувчи" тирсак бўғини (суякларини ташкил этувчи бўғин юзалари резекцияси натижасида)	50
	Изоҳ: Агар тирсак бўғини шикастланиши муносабати билан жарроҳлик аралашувлари ўтказилган бўлса, 10% миқдорда қўшимча суғурта товони тўланади.	
	БИЛАКДА	
75.	Билак суякларининг (диафизнинг) синиши:	
	а) битта суякнинг синиши	10
	б) иккита суякнинг синиши, битта суякнинг синиши ва иккинчисининг чиқиши	15
76.	Сохта бўғин (битмаган синиқ) ҳосил бўлган ҳолда асоратланган билакнинг битта ёки ҳар иккала суягининг синиши:	
	а) билакнинг битта суягининг синиши	25
	б) билакнинг иккита суягининг синиши	40
	в) билакнинг битта суягининг синиши ва иккинчи суягида битмаган синиқ мавжудлиги	35
	Изоҳ: 1. Агар билак суякларининг синиши муносабати билан жарроҳлик аралашувлари ўтказилган бўлса, 10% миқдорда қўшимча суғурта товони тўланади. 2. Битмаган синиқ ёки сохта бўғин муносабати билан суғурта товони шикастланишдан кейин камида 9 ой ўтгач тўланади.	
77.	Травматик ампутация ёки билакнинг ҳар қандай даражада ампутациясига олиб келган оғир шикастланиши	65
	БИЛАК СУЯГИ БЎҒИНИДА	
78.	Билак суякларининг дистал метафиз соҳасида (типик жой) синиши, билакдан таралган суяк бўғинларини ташкил этган суякларнинг ички бўғин синишлари, бўғин пайларининг шикастланиши, қўл панжасининг чиқиши	10
79.	Билакдан таралган суяк бўғинининг ушбу бўғинда ҳаракатлар йўқлигига (анкилозга) олиб келган шикастланиши	30
	Изоҳ. Агар билакдан таралган суяк бўғини соҳасида шикастланиш муносабати билан жарроҳлик аралашувлари ўтказилган бўлса, 10% миқдорда қўшимча суғурта товони тўланади.	
	ҚЎЛ ПАНЖАСИДА	
80.	Билак суякларининг, битта қўл панжаси ўзагининг синиши ёки чиқиши:	
	а) битта суякнинг (руҳсимон суякдан ташқари)	5
	б) икки ва ундан ортиқ суякларнинг, руҳсимон суякнинг	10
	в) битмаган синиқлар, сохта бўғинларнинг мавжудлиги	15
	Изоҳ. Агар қўл панжаси шикастланиши муносабати билан жарроҳлик аралашувлари ўтказилган бўлса, 10% миқдорда қўшимча суғурта товони тўланади.	
81.	Қўл панжасининг травматик ампутацияси ёки панжанинг ўзак суяклари ёки билак суяклари даражасида ампутациясига олиб келган шикастланиши	65
	ҚЎЛ БАРМОҚЛАРИДА	
	Биринчи бармоқда	
82.	Бармоқ бўғини (бўғинлари) суякларининг синиши, чиқиши, юмшоқ тўқималари нуқсонли мавжуд бўлгани ҳолда яраланиши, бармоқ пайининг (пайларининг) шикастланиши, милкак (тирноқ остининг яллиғланиб йиринг бойлаши) (85-бандга изоҳга қаранг).	5
83.	Бармоқнинг унда ҳаракатланиш йўқлигини келтириб чиқарган шикастланиши:	
	а) битта бўғинда	10
	б) бармоқнинг иккита бўғимида	15
84.	Бармоқнинг травматик ампутацияси ёки қуйидаги даражада бармоқ ампутациясини келтириб чиқарган шикастланиши:	
	а) тирноқ бўғинини ва бармоқнинг бўғинлараро бўғинини	10
	б) бармоқнинг асосий бўғинини, панжа ўзаги суяги-бармоқ бўғинини (бармоқни йўқотилиши)	20
	в) панжа ўзаги суягини	25
	Иккинчи, учинчи, тўртинчи, бешинчи бармоқларда	
85.	Бармоқ бўғини (бўғинлари) суякларининг синиши, чиқиши, юмшоқ тўқималари нуқсонли мавжуд бўлгани ҳолда яраланиши, бармоқ пайининг (пайларининг) шикастланиши, милкак (тирноқ остининг яллиғланиб йиринг бойлаши)	5
	Изоҳ. 82 ва 85-бандлар бўйича суғурта товони фақат тери ости, пай, бўғин ёки суяк милхаки мавжуд бўлган тақдирда тўланади. Тирноқ олди тўқималарининг яллиғланиши (паронихия) суғурта товонини тўлаш учун асос бўлмайди.	
86.	Бармоқнинг травматик ампутацияси ёки қуйидаги даражада бармоқ ампутациясини келтириб чиқарган шикастланиш:	
	а) тирноқ бўғинини (бармоқ бўғинини йўқотилиши)	5
	б) бармоқнинг ўрта бўғинини (бармоқнинг иккита бўғинини йўқотилиши)	10
	в) бармоқнинг асосий бўғинини (бармоқни йўқотилиши)	15
	г) панжа ўзаги суягини	20
87.	Травматик ампутация ёки битта қўл панжасидаги барча бармоқлар ампутациясини келтириб чиқарган шикастланиш	65
	Изоҳ. Битта суғурта Қоидаларси амал қилиши даврида қўл панжасининг бир нечта бармоқлари шикастланганида суғурта товони ҳар бир шикастланишни ҳисобга олган ҳолда қўйиши йўли билан тўланади. Бироқ унинг миқдори битта қўл панжаси учун 65% дан ва ҳар иккала қўл панжаси учун 100% дан ошмаслиги керак.	
	ТОС СУЯГИДА	
88.	Тос суякларининг синиши:	
	а) қовурға билан қорин орасидаги куракнинг синиши	5
	б) қов, қўймуч суягининг, қовурға билан қорин орасидаги бирлашган бўғиннинг, қўст суягининг синиши	10
	в) икки ва ундан ортиқ суякларнинг синиши	20

89.	Қов суяқлари, думғазга-ковурга ва қорин орасида бирлашган бўғинининг узилиши:	
	а) битта бўғинининг узилиши	10
	б) иккита бўғинининг узилиши	15
	в) учта бўғинининг узилиши	20
	Изоҳ: 1. Агар тос суяқлари синиши ёки бўғинларнинг узилиши муносабати билан жарроҳлик аралашувлари ўтказилган бўлса, 10% миқдорда қўшимча сугурта товони тўланади. 2. Агар битта шикастланиш натижасида тос суяқларининг синиши ва бўғинларнинг узилиши юз берса, сугурта товони ҳар бир шикастланишни ҳисобга олган ҳолда қўйиш йўли билан тўланади.	
	ОЁҚЛАРДА	
	ТОС-СОН БЎҒИНИДА	
90.	Сон суяги бошчаси, бўйинчасининг синиши, пайларининг шикастланиши, сон суяги чиқиши	20
	Изоҳ. Агар тос-сон бўғини шикастланиши муносабати билан жарроҳлик аралашувлари ўтказилган бўлса, бир марта 10% миқдорда қўшимча сугурта товони тўланади.	
91.	Тос-сон бўғинининг қуйдагиларни келтириб чиқарган шикастланиши:	
	а) бўғиннинг ҳаракатсизлиги (анкилоз)	50
	б) "осилиб турувчи" бўғин (сон суяги бошчаси, юқори кўсти чуқурчаси резекцияси натижасида)	70
	в) эндопротезлаш	45
	СОН СУЯГИДА	
92.	Сон суягининг ҳар қандай даражада синиши (бўғинлар соҳаси бундан мустасно):	
	а) бўлақлар силжимаган ҳолда	20
	б) бўлақлар силжиган ҳолда	25
	Изоҳ. Агар сон суяги синиши муносабати билан жарроҳлик аралашувлари ўтказилган бўлса, 10% миқдорда қўшимча сугурта товони тўланади.	
93.	Сохта бўғин (битмаган синиқ) ҳосил бўлиши билан асоратланган сон суягининг синиши.	55
	Изоҳ. Битмаган синиш ёки сохта тос бўғини муносабати билан сугурта товони шикастланиш олинганидан кейин камида 9 ой ўтгач тўланади. Агар илгари сон суяги синиши муносабати билан сугурта товони тўланган бўлса, унинг миқдори якуний қарор қабул қилнганида айириб ташланади.	
94.	Травматик ампутация ёки сон суягининг ҳар қандай даражасида оёқнинг ампутациясига олиб келган оғир шикастланиши:	
	а) битта оёқнинг шикастланиши	70
	б) ягона оёқнинг шикастланиши	100
	ТИЗЗА БЎҒИНИДА	
95.	Тизза бўғинининг қуйдагиларни келтириб чиқарган шикастланишлари:	
	а) гемартроз, менискни (менискларни), пайларни шикастланиши, суяк бўлақларини узилиши	5
	б) тизза усти суягини синиши	10
	в) тизза бўғинини ташкил этувчи суяқларнинг синиши (тоснинг дистал эпифизи ва катта болдир суягининг проксимал эпифизи), болдирнинг чиқиши	20
	Изоҳ: 1. Агар тизза бўғини соҳасида шикастланиш муносабати билан жарроҳлик аралашувлари ўтказилган бўлса, бир марта 10% миқдорда қўшимча сугурта товони тўланади. 2. Тизза бўғинининг турли шикастланишлари бирга мавжуд бўлганда, сугурта товони 95-банднинг кичик бандларидан энг оғир шикастланишни назарда тутувчи битта кичик бандига мувофиқ бир марта тўланади.	
96.	Тизза бўғини соҳасида қуйдагиларни келтириб чиқарган шикастланишлар:	
	а) бўғинда ҳаракатланишнинг йўқлиги	35
	б) тизза бўғини суяқларини ташкил этувчи бўғин сиртларининг резекцияси натижасида "осилиб турувчи" тизза бўғини	45
	БОЛДИРДА	
97.	Болдир суягининг синиши:	
	а) кичик болдир суяги синиши	5
	б) катта болдир суяги синиши	15
	в) ҳар иккала суякни синиши	20
	Изоҳ: 1. Агар болдир суяқларининг синиши муносабати билан жарроҳлик аралашувлари ўтказилган бўлса, бир марта 10% миқдорда қўшимча сугурта товони тўланади. 2. 97-банд бўйича сугурта товони қуйдаги ҳолларда аниқланади: - кичик болдир суягининг юқори ва ўрта учдан бир қисми синишларида; - катта болдир суяги диафизининг ҳар қандай даражадаги синишларида; - катта болдир суягининг диафиз соҳасидаги (юқори, ўрта, қуйи учдан бир қисми) синишларида ва кичик болдир суягининг юқори ва ўрта учдан бир қисми синишларида. 3. Агар травма натижасида тизза ва болдир-товон бўғинида катта болдир суягининг ички бўғин синиши ва диафиз соҳасида кичик болдир суягининг синиши юз берган бўлса, сугурта товони 95 ва 97-банд бўйича ёки 100 ва 97-банд бўйича қўйиш йўли билан тўланади.	
98.	Травматик ампутация ёки болдирнинг ампутациясини келтириб чиқарган ҳар қандай даражадаги оғир шикастланиш	60
99.	Сохта бўғин (битмаган синиқ) ҳосил бўлиши билан асорат қолдирган ҳолда болдирнинг битта ёки ҳар иккала суяги синиши:	
	а) кичик болдир суяги синиши	10
	б) катта болдир суяги синиши	30
	в) ҳар иккала суякни синиши	40
	г) кичик болдир суяги синиши ва катта болдир синган суягининг битиги	25
	д) катта болдир суяги синиши ва кичик болдир синган суягининг битиги	35
	Изоҳ. 99-банд бўйича сугурта товони шикастланиш олгандан кейин камида 9 ой ўтгач тўланади.	
	БОЛДИР-ТОВОН БЎҒИНИДА	
100.	Болдир-товон бўғини соҳасида шикастланишлар:	
	а) болдир-товон бўғини пайларининг шикастланиши, тўпик суяқларидан бирининг ёки катта болдир	5

	суяги чеккасининг синиши	
	б) ҳар иккала тўпик суяklarининг синиши, ҳар иккала тўпик суяklarининг катта болдир суяги чеккаси билан синиши, дистал тос суяklари аро синдесмознинг узилиши	10
	в) битта ёки ҳар иккала тўпик суяklarининг катта болдир суяги чеккаси билан синиши, дистал тос суяklари аро синдесмознинг узилиши ва оёқ қафти суягининг ярим чиқиши (чиқиши) билан	15
101.	Болдир-товон бўғини соҳасида қўйидагиларни келтириб чиқарган шикастланиш:	
	а) болдир-товон бўғинида ҳаракатларнинг йўқлиги (анкилоз)	35
	б) "осилиб турувчи" болдир-товон бўғини (уни ташкил этувчи суяklarнинг бўғин юзларини резекция қилиш натижасида)	40
	Изоҳ: 1. Агар болдир-товон бўғинининг шикастланиши натижасида жарроҳлик аралашувлари ўтказилган бўлса, 10% миқдорда қўшимча сугурта товони тўланади. 2. Кичик болдир суягининг дистал (пастки) учдан бир қисмининг синиши ташиқ тўпик суяги синишига тенглаштирилади.	
102.	Ахилл пайининг шикастланиши:	
	а) консерватив даволашда	10
	б) жарроҳлик йўли билан даволашда	20
	ОЁҚ КАФТИДА	
103.	Оёқ қафти суягининг (суяklarининг) синиши ёки чиқиши, пайларнинг шикастланиши:	
	а) битта-иккита суяklarнинг синиши, пайларнинг узилиши	5
	б) учта ва ундан ортқ суяklarнинг синиши	10
	в) битмаган синиш, сохта бўғин	15
	Изоҳ: 1. Агар оёқ қафти суяklarининг синиши ёки чиқиши ёки пайларининг узилиши муносабати билан жарроҳлик аралашувлари ўтказилган бўлса, 5% миқдорда қўшимча сугурта товони тўланади. 2. Турли шикастланишлар натижасида юз берган оёқ қафти суяklarининг синган ёки чиққан тақдирда, сугурта товони ҳар бир шикастланиш фактини ҳисобга олган ҳолда тўланади.	
104.	Травматик ампутация ёки қўйидагилар даражасида оёқ қафти ампутациясини келтириб чиқарган оёқ қафтининг оғир шикастланиши:	
	а) а) оёқ қафтига доир суяklar-бармоқлар суяги бўғинлари даражасида (оёқ қафтида барча бармоқларнинг йўқлиги)	30
	б) оёқ қафтига доир суяklar даражасида	35
	в) оёқ қафтига доир суяklarдан олдинги даражасида	40
	г) тўпик, товон суяklари, болдир-товон бўғини даражасида	50
	ОЁҚ КАФТИ БАРМОҚЛАРИДА	
105.	Битта оёқ қафтидаги бармоқ бўғинининг (бўғинларининг) синиши, чиқиши, пайнинг (пайларнинг) шикастланиши:	
	а) бармоқдаги битта ёки бир нечта бўғинларнинг синиши ёки чиқиши, битта ёки иккита бармоқдаги пайларнинг шикастланиши	5
	б) бармоқдаги битта ёки бир нечта бўғинларнинг синиши ёки чиқиши, учта ёки бешта бармоқдаги пайларнинг шикастланиши	10
106.	Травматик ампутация ёки бармоқлар ампутациясини келтириб чиқарган шикастланиш:	
	биринчи бармоқ ампутациясини:	
	а) бармоқдаги тирноқ бўғини даражасида (тирноқ бўғинини йўқотилиши)	5
	б) бармоқдаги асосий бўғин даражасида (бармоқни йўқотилиши)	10
	иккинчи, учинчи, бешинчи бармоқлар ампутациясини:	
	в) бармоқдаги тирноқ бўғинлари ёки ўрта бўғинлар даражасида битта-иккита бармоқларни йўқотилиши	5
	г) бармоқдаги асосий бўғинлар даражасида битта-иккита бармоқларда (бармоқларни йўқотилиши)	10
	д) бармоқдаги тирноқ бўғинлари ёки ўрта бўғинлар даражасида учта-тўртта бармоқларда	15
	е) бармоқдаги асосий бўғинлар даражасида учта-тўртта бармоқларда (бармоқларни йўқотилиши)	20
107.	Травмадан кейинги тромбоз, лимфостаз, остеомиелит, трофика бузилиши ривожланишини келтириб чиқарувчи шикастланиш.	10
	Изоҳ: 1. 107-банд қўл ёки оёқлар шикастланиши оқибатида юз берган тромбозлар, лимфостаз ва трофика бузилишларида (бундан йирик периферик томирлар ва нервлар шикастланиши мустасно), аммо шикастланишдан кейин камида 6 ой ўтгач қўлланилади. 2. Қўл ва оёқ панжалари бармоқларининг йирингли яллигланиши 107-банднинг қўлланилиши учун асос бўлмайди.	
108.	Травматик шок	10
	Изоҳ. 108-банд бўйича сугурта товонини тўлаш шикастланиши натижасида юз берган бошқа шикастланишлар муносабати билан тўланган тўловларга қўшимча равишда амалга оширилади.	

Изоҳ:

1. Жабранувчи вафот этганида ёки унга ногиронлик белгиланганида сугурта товони қўйидаги миқдорда, илгари тўланган сугурта товонларини айириб ташлаган ҳолда амалга оширилади:

жабрланувчининг вафот этиши	-	100%
I гуруҳ ногиронлигига олиб шикастланиш	-	80%
II гуруҳ ногиронлигига олиб шикастланиш	-	65%
III гуруҳ ногиронлигига олиб шикастланиш	-	50%

2. Ўрни қопланаётган зиённинг миқдори фоизларда аниқланади ва у Сугурта суммасининг 65 фоизини ташкил этади. Жабранувчи бир нечта турдаги шикастланишларни олган тақдирда, агар жадавлда келтирилган изоҳларда қоида назарда тутилмаган бўлса, сугурта тўлови шикастланишларнинг ҳар бирини ҳисобга олган ҳолда қўшиб бориш йўли билан тўланади.

ТАРАФЛАРНИНГ ИМЗОЛАРИ:	
Сугурталовчи номидан:	Сугурта қилдирувчи номидан:

Бош директор / _____ филиали директори/Бошқа ваколатли шахс _____ (Ф.И.О.)	_____ лавозими Ф.И.О.
_____ ИМЗО М.Ў.	_____ ИМЗО М.Ў.